



## ОБЪЕКТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ: ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Шокиров Фаррухбек Одилжон ўғли  
Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси Хизматни ташкил  
этиш ва мувофиқлаштириш бўлими Таълим муассасаларини  
қўриқланишини ташкиллаштириш бўлинмаси катта

инспектори, катта лейтенант  
e-mail: farruxbekshokirov94@gmail.com  
телефон: +99899 707 90 44  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19543963>

### ARTICLE INFO

Received: 4<sup>th</sup> April 2026  
Accepted: 5<sup>th</sup> April 2026  
Published: 12<sup>th</sup> April 2026

#### KEYWORDS

қўриқлаш хизмати,  
қўриқланадиган объект,  
ваколатлар, ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси, объект  
хавфсизлиги, кириш-чиқиш  
режими, назорат-ўтказиш  
пункти, периметр назорати,  
пост-патрул хизмати,  
видеокузатув, сигнализация,  
мониторинг, ҳужжатлаштириш,  
огоҳлантириш, қонунийлик,  
мутаносиблик, SOP, идоралараро  
ҳамкорлик, аудит.

### ABSTRACT

Мазкур мавзу қўриқланадиган объектлар ҳудудда қўриқлаш хизматининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш соҳасидаги ваколатларини ташкилий-ҳуқуқий ва амалий нуқтайи назардан тизимли таҳлил қилишга бағишланади. Қўриқлаш хизматининг профилактик ваколатлари объект хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кириш-чиқиш режимига риоя этилишини назорат қилиш, назорат-ўтказиш пунктлари фаолиятини ташкил этиш, периметр ва ички ҳудуд назоратини амалга ошириш, хавф омилларини барвақт аниқлаш ҳамда уларни нейтраллаштириш, профилактик огоҳлантириш ишларини олиб бориш, ҳодисаларни қайд этиш ва ҳужжатлаштириш, зарурат туғилганда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ахборот бериш ва ҳамкорликда тезкор чора кўриш каби йўналишларни қамраб олади. Таҳлилда ваколатларни амалга ошириш шакллари (пост-патрул хизмати, текширув ва кузатув, техник қўриқлаш воситалари орқали мониторинг, режим талабларини таъминлаш), уларни қўллашнинг шартлари ва чекловлари, шунингдек қонунийлик, мутаносиблик ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилларига риоя этиш масалалари алоҳида ёритилади. Хулоса сифатида, профилактик ваколатларнинг самарадорлиги ҳуқуқий аниқлик, ягона стандарт операцион процедуралар (SOP), рақамли ҳисоб ва назорат (аудит) ҳамда идоралараро тезкор алоқа механизмларини мустаҳкамлаш орқали оширилиши асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2024 йил 18-20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталаридаги нутқларида ҳам қонун ижодкорлиги жараёнларини жамиятдаги энг долзарб муаммолар ечимини топишга йўналтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлиги соҳасида амал қилаётган

ҳуқуқий базани тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди<sup>1</sup>. Мазкур нутқлардан келиб чиқиб қабул қилинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2024 йил

25 ноябрдаги 74-V-сон қарорида Президент нутқларида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича *“Йўл харитаси”* тасдиқлангани, парламент фаолиятини стратегик ислохотлар билан узвий боғлаш зарурлиги қайд этилган<sup>2</sup>. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги институтчионал ўзгаришларни, жумладан кўриқлаш хизмати фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан қайта форматлаштириш долзарблигини янада оширади.

Айнан шу сиёсий-ҳуқуқий контекстда 2025 йил 4 мартда қабул қилинган *“2025 — 2029 йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”*ги 595-V/КҚ-105-V-сонли қўшма қарор билан қонун ижодкорлигининг ўрта муддатли йўналишлари белгилаб берилди<sup>3</sup>. Дастурда 40 га яқин қонун ва кодекс лойиҳаларини ишлаб чиқиш режалаштирилиб, улар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигига бевосита дахлдор икки муҳим ҳужжат — *“Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”*нинг янги таҳрири ва *“Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”*ги қонун лойиҳаси алоҳида ўрин эгаллаган.

Дастурнинг 23-бандида *“Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”* янги таҳрирда ишлаб чиқилиши назарда тутилиб, унда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал тартибини такомиллаштириш, электрон баённома ва электрон маъмурий иш каби рақамли механизмларни жорий этиш, маъмурий жазолар тизимини либераллаштириш ҳамда *маъмурий жавобгарликка тортишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар тоифасини мақбуллаштириш* асосий вазифалардан бири сифатида кўрсатилган<sup>4</sup>. Бу вазифа амалда жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар — ички ишлар органлари, Миллий гвардия, шу жумладан **Кўриқлаш бош бошқармасини алоҳи субъект сифатида (кўриқлаш хизмати)нинг маъмурий-ҳуқуқий мақомини, ваколатлари чегараларини ва ўзаро муносабатларини** тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Дастурнинг 25-бандида *“Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”*ги қонун лойиҳаси орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек маданият, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш режалаштирилган<sup>5</sup>. Ушбу бандда Миллий гвардия ва ички ишлар органлари масъул субъектлар сифатида кўрсатилгани келгусида кўриқлаш хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асослари айнан жамоат хавфсизлигини таъминлаш тузилмасида қайта ифодаланиши ва унинг профилактик ваколатларини қонун даражасида аниқ белгилаш зарурлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, амалда Кўриқлаш бош бошқармаси фаолияти асосан Президентнинг 2021 йил 20 февралдаги ПҚ-4997-сон *“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси*

<sup>1</sup> <https://president.uz/oz/lists/view/7711>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2024 йил 25 ноябрдаги 74-V-сон *“Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2024 йил 18–20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталаридаги нутқларидан келиб чиқадиган ташкилий вазифалар тўғрисида”*ги Қарори // [lex.uz](http://lex.uz).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг 2025 йил 4 мартдаги 595-V/КҚ-105-V-сон *“2025 — 2029 йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”*ги Қўшма қарори, айниқса Дастурнинг 23 ва 25-бандлари // [lex.uz](http://lex.uz), ҳужжат №7519084.

<sup>4</sup> Ўша манбаа: Дастурнинг 23 ва 25-бандлари // [lex.uz](http://lex.uz), ҳужжат №7519084.

<sup>5</sup> Ўша манбаа: Дастурнинг 25-бандлари // [lex.uz](http://lex.uz), ҳужжат №7519084.

Кўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>6</sup>ги қарори ва ушбу қарорга 2-илова сифатида тасдиқланган “Кўриқлаш бош бошқармаси тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади<sup>7</sup>. Ушбу Низомда кўриқлаш хизматининг асосий вазифалари қаторида: а) кўриқланаётган объектларда хавфсизликни таъминлаш, жамият хавфсизлигини таъминлашга қўмаклашиш; б) оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақлаш; в) аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; в) шунингдек кўриқланаётган объектларда ва уларга туташ ҳудудларда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва чек қўйиш вазифалари кўрсатилган. Низомда кўриқлаш хизматига объект ҳудудида тартиб-қоидаларга риоя этилишини талаб қилиш, ички ва рухсат бериш режими бузилишларини бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш, ноқонуний кирган ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ушлаш, маъмурий баённома тузиш мақсадида ушлаб туриш ва тегишли ички ишлар органларига топшириш, шунингдек фуқароларни шахсий кўриқдан ўтказиш ва чекланган ашёларни олиб қўйиш каби кенг ҳуқуқлар берилган<sup>8</sup>.

Бироқ ушбу ваколатлар асосан идоравий Низом доирасида белгилангани, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекс амалдаги таҳририда ва секторлараро қонунларда кўриқлаш хизмати маъмурий юрисдикциясининг аниқ чегаралари, профилактика чораларини қўллаш асослари ва тартиби етарлича тизимлаштирилмагани фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш, ҳудудий ички ишлар органлари билан ваколатлар тақсимоти, шунингдек жамоат хавфсизлиги соҳасидаги идоралараро ҳамкорликда муайян коллизия ва бўшлиқларни келтириб чиқармоқда. Бу эса Дастурда кўзда тутилган “маъмурий жавобгарликка тортишга ваколатли органлар тоифасини мақбуллаштириш” вазифасини амалга оширишда айнан кўриқлаш хизмати ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш долзарблигини орттирмоқда.<sup>3</sup>

Иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш, савдо ва маданий-томоша соҳаларининг жадал ривожланиши, йирик савдо-кўнгилочар мажмуа, транспорт-логистика марказлари, туристик инфратузилма объектлари, банк-молия муассасалари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар ҳудудида фуқаролар оқими ва хавфлар миқёсининг ортиши кўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг алоҳида йўналишига айлантормоқда. Терроризм, саботаж, оммавий тартибсизликлар, кўриқланаётган объектларга ноқонуний кириш, мол-мулкка тажовуз ва бошқа қатор ҳуқуқбузарликлар айнан бундай объектлар ҳудудида содир этилган тақдирда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари янада оғир бўлиши эҳтимоли юқори. Шу нуқтаи назардан кўриқлаш хизматининг кўриқланаётган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ваколатларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва такомиллаштириш жамоат хавфсизлиги тизимининг барқарорлиги учун стратегик аҳамиятга эга.

Ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторинги шуни кўрсатадики, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритуви субъектлари доирасида ҳозирги кунда ҳуқуқий

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 февралдаги ПҚ-4997-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // NRM.uz.

<sup>7</sup> “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 февралдаги ПҚ-4997-сон қарорига 2-илова) // NRM.uz.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси тўғрисида Низом. – ПҚ-4997, 20 февраль 2021 й., 2-илова.

аниқлик етишмаётгани кузатилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил

3 майдаги 322-сон қарорига илова сифатида тасдиқланган *“Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни/баённомани кўриб чиқишга (баённома тузишга, иш қўзғашга) ваколатли органлар классификатори”*да жами 46 та орган қайд этилган бўлиб, улар орасида 380-код билан Миллий гвардия органлари, 381-код билан эса алоҳида махсус субъект сифатида Кўриқлаш бош бошқармаси (ҚББ) кўрсатилган<sup>9</sup>.

Шу билан бирга, амалдаги *“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”*ги кодекснинг III-бўлими (*“Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар”*) ва XVIII-боби (*“Ишларнинг тааллуқлилиги”*) матнида Кўриқлаш бош бошқармаси алоҳида махсус субъект сифатида тилга олинмаган<sup>10</sup>.

Норматив иерархия нуқтаи назаридан, Кодекс (lex superior, lex generalis) даражасида акс этмаган тузилманинг қуйи даражадаги классификаторда махсус субъект сифатида қайд этилиши қонуннинг устуворлиги ва ҳуқуқий аниқлик (legal certainty) тамойилларига мос келмайди. Ушбу номувофиқлик амалда қатор салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, ҚББ ходимлари томонидан тузилган маъмурий баённомалар ва бошқа процессуал ҳужжатлар ҳуқуқий кучининг судда шубҳа остига қўйилиши, ваколатдан четга чиқиш (ultra vires) хавфи, далилларнинг йўл қўйилмаслиги ҳамда ишларнинг процессуал камчиликлар сабаб бекор қилиниши эҳтимоли ошади.

Бундан ташқари, норматив-амалий бўшлиқ, аввалги парагриф мазмунида таъкидлаб ўтганимиздек айниқса, 2023 йил 28 август куни Миллий гвардия қўмондони ташаббуси билан техник кўриқлаш марказларининг тезкор ҳаракатланувчи гуруҳлари (ТХГ) фаолиятини такомиллаштиришга доир қабул қилинган идора ичидаги буйруқ ижросида яққол намоён бўлади<sup>11</sup>. ТХГ ҳодиса жойига етиб келган пайтда қўлланиладиган маъмурий-процессуал таъсир чораларининг аниқ ҳуқуқий асослари ва тартиб-қоидалари Кодекс даражасида етарли даражада мустаҳкамланмаганлиги сабабли профилактик таъсир самарадорлиги пасаяди, идоралараро ҳамкорлик тизимида *“ваколат қопламаси”*даги бўшлиқлар шаклланади. Бошқача айтганда, ҚББга қуйи даражада норматив равишда берилаётган вазифа ва ҳуқуқлар юқори даражадаги махсус нормалар билан тўлиқ *“қопланмагани”* маъмурий юрисдикциянинг барқарор ва прогноз қилиниши мумкин бўлган моделини шакллантиришга тўсқинлик қилади.

Шу ўринда, мазкур масала миллий ҳуқуқшуносликда маълум даражада ўрганилган бўлса-да, тадқиқотлар асосан Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги умумий ваколатларига қаратилган. Аммо, кўриқлаш хизмати фаолиятининг кўриқланаётган объектлар худудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид махсус профилактик ваколатлари,

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон *“Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”*ги қарори ва унга 8-илова — *“Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни/баённомани кўриб чиқишга (баённома тузишга, иш қўзғашга) ваколатли органлар классификатори”*

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг *“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”*ги кодекси, 1994 йил 22 сентябрдаги 2015-XII-сон Қонун билан тасдиқланган (кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар билан)

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўмондони Р.Джураевнинг 2023 йил 28 августдаги *“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси техник кўриқлаш марказлари тезкор ҳаракатланувчи гуруҳларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”*ги 221-сон буйруғи

уларнинг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг янги таҳрири ва “Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси билан тизимли уйғунлашуви, ваколатлар иерархияси ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш механизмлари эса деярли комплекс тарзда илмий-доктринал таҳлил марказига айланмаган. Шунингдек, “Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳасининг ҳозирги муҳокамаларида жамоат хавфсизлиги соҳасидаги давлат органлари ваколатларини тизимлаштириш алоҳида йўналиш сифатида қайд этилгани ҳам бу бўшлиқни тўлдириш долзарблигини янада оширади<sup>12</sup>.

Шу боис, мазкур параграф доирасида Қўриқлаш бош бошқармаси ва унга бўйсунувчи қўриқлаш бўлинмаларининг қўриқланаётган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги ваколатларини чуқур илмий ўрганиш куйидаги вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади:

а) қўриқлаш хизматининг амалдаги маъмурий-ҳуқуқий ваколатларини миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартлар (хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлиги соҳасидаги умумқабул қилинган принциплар) нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

б) мазкур ваколатларни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик субъектлари манфаатлари ҳамда қўриқланаётган объектларда хавфсизликни таъминлаш ўртасидаги муносабатни “ҳуқуқ ва хавфсизлик мувозанати” тамойили асосида асослаш;

в) қабул қилиниши режалаштирилаётган янги “Маъмурий жавобгарлик кодекси” ва “Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунда қўриқлаш хизмати (шу жумладан, ТХҒ) маъмурий-ҳуқуқий мақомини аниқ, аниқлаштирилган ва инсон ҳуқуқларини кафолатловчи нормаларда ифода этишга оид илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Мазкур тадқиқот йўналишининг долзарблиги, бир томондан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида “жамиyatда хавфсизлик ва барқарорликни кафолатлаш” ҳамда “халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлат”ни барпо этиш устувор вазифа сифатида белгилангани билан боғлиқ<sup>13</sup>.

Иккинчи томондан эса, Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2024 йил

18–20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталаридаги нутқларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқий базани тубдан қайта қўриб чиқиш, қонун ижодкорлигини жамиятдаги энг долзарб муаммолар ечимини топишга йўналтириш вазифаси қўйилган бўлиб, бу вазифалар 2024 йил 25 ноябрдаги 74-V-сонли қарор ва 2025–2029 йилларга мўлжалланган Қонун ижодкорлиги дастури орқали институционал жиҳатдан мустаҳкамланди<sup>14</sup>.

Ушбу дастур доирасида янги “Маъмурий жавобгарлик кодекси” ҳамда жамоат хавфсизлигига оид комплекс қонун ҳужжатларини қабул қилиш назарда тутилгани

<sup>12</sup> “Ўзбекистон Республикасининг ‘Жамоат хавфсизлиги тўғрисида’ги Қонуни лойиҳаси” (ID-98499) // [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz) порталида жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган лойиҳа.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2024 йил 25 ноябрдаги 74-V-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2024 йил 18—20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталаридаги нутқларидан келиб чиқадиган ташиқлий вазифалар тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг 2025 йил 4 мартдаги 595-V/KQ-105-V-сон “2025—2029 йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қўшма қарори.

қўриқлаш хизматининг маъмурий юрисдикциядаги ўрни ва ваколатлари доктринал жиҳатдан аниқланишини талаб этмоқда.

Шундай қилиб, Қўриқлаш бош бошқармасининг қўриқланаётган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги ваколатларини илмий-доктринал асосда таҳлил қилиш фақат назарий эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, Президент *Ш.М. Мирзиёев* таъкидлаганидек, хавфсиз ва тинчликсевар давлат барпо этиш жараёнида ҳар бир соҳада “чуқур илмий изланишлар”га таяниш зарур, бу эса Қўриқлаш хизмати маъмурий амалиётини замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиш ва мукамаллаштиришни тақозо этади. Дарҳақиқат, эндиликда мазкур параграф доирасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маъмурий юрисдикция ва қўриқлаш фаолиятига оид илмий-назарий қарашларини илмий таҳлил қилиниб, ҚББнинг ҳуқуқий мақоми ва процессуал ваколатларини такомиллаштириш юзасидан илмий хулосалар шакллантирилади.

Хусусан, Миллий ҳуқуқшунос олимлардан *А.А. Султанов* жамоат хавфсизлигини “ўзаро боғланган қонунлар, қонун ости ҳужжатлар ва идоралараро келишувлар мажмуиға таянувчи мураккаб ҳуқуқий тизим” сифатида тавсифлар экан, ушбу тизимда ҳар бир махсус субъект – ички ишлар органлари, Миллий гвардия, қўриқлаш хизмати тузилмалари – мақоми аниқ белгиланиши ҳуқуқий аниқлик ва самарали профилактиканинг негизи эканини таъкидлайди<sup>15</sup>. Унинг фикрича, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фақат ҳуқуқбузарликка реакция эмас, балки хавф омилларини илгаридан аниқлаш, уларни камайтириш ва фуқаролар ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган комплекс механизмдир; бунда қўриқлаш хизмати “қўриқчи” эмас, балки профилактика ва назорат ваколатларига эга ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқ назариясига бағишланган *Х.Т.Одилқориев*, *Б.Э. Қосимов* каби олимларнинг илмий асарларида маъмурий юрисдикция субъектларининг аниқ белгиланиши “қонун устуворлиги” ва “ҳуқуқий аниқлик” (legal certainty) тамойилларининг амалий кўриниши сифатида талқин қилинади<sup>16</sup>. Ушбу муаллифлар *Ганс Кельзеннинг* ҳуқуқий пирамиданинг “normalar иерархияси” ҳақидаги таълимотига таяна туриб, юқори даражадаги кодекс нормаларида қайд этилмаган тузилманинг куйи даражадаги классификаторда махсус субъект сифатида кўрсатилиши норматив архитектурадаги узилишларга олиб келиши, бу эса фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун ҳуқуқий хавфсизлик даражасини пасайтиришини кўрсатадилар<sup>17</sup>. Шу нуқтаи назардан, ҚББнинг ВМ қарорига илова қилинган “ваколатли органлар классификатори”да алоҳида субъект сифатида қайд этилиб, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг III-бўлими ва XVIII-боби матнида тилга олинмаслиги Кельзен таърифлаган “Stufenbau” – босқичма-босқич ҳуқуқий тизим уйғунлигини бузадиган омил сифатида баҳоланиши мумкин.

Криминология ва профилактика соҳасидаги маҳаллий тадқиқотларда

*И.Исмаилов*, *Қ.Р.Абдурасулова*, *И.Ю. Фазилов* каби олимлар “махсус профилактика субъектлари” тушунчасини илгари суриб, муайян ҳудуд ёки объектга бириктирилган органлар – масалан, стратегик объектлар қўриқлаш хизмати – учун алоҳида статистик

<sup>15</sup> *Sultonov A.A.* Jamoat xavfsizligini ta'minlash faoliyatining huquqiy asoslari: bugungi holati va istiqbollari // *Journal of New Century Innovations*. – 2023. – Vol. 26, №. 3. 120–125-b b.

<sup>16</sup> *Одилқориев Х.Т., Қосимов Б.Э.* Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2010. – 198–201-б.

<sup>17</sup> *Kelsen H.* Pure Theory of Law. – Berkeley; Los Angeles: University of California Press, 1967. – P. 193–206.

ҳисобот, хавфларни баҳолаш (risk assessment) ва таргет профилактика чоралари тизимини шакллантириш зарурлигини асослайдилар<sup>18</sup>. Уларнинг фикрича, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар “иссиқ нуқта”лар (hot spots) атрофида концентрациялашуви шароитида ҳудудий патрул хизматлари билан бир қаторда объектли қўриқлаш тузилмалари ҳам профилактика сиёсатининг марказий субъектларидан бирига айланиши керак. Бу ёндашув ҚББга нисбатан қуйидаги ҳулосани келтириб чиқаради. Хусусан, ҚББ ходимлари шунчаки сигналга чиқувчи наряд эмас, балки қўриқланаётган объектлар ҳудудини таҳлил қиладиган, хавф омилларини аниқлайдиган, маъмурий таъсир чораларини қўллаш ҳақида ташаббус қўрсата оладиган профессионал профилактика субъектидир.

Бундаг ташқари, Ю.С. Пулатов ва Д.М. Рашидовлар эса Миллий гвардиянинг ҳуқуқий мақоми ва кадрлар тайёргарлигига бағишланган илмий асарларида Миллий гвардия “қуролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги махсус звено” сифатида тавсифланиб, унга жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги айрим полицияга хос ваколатларни юклаш зарурлиги таъкидланади<sup>19</sup>. Муаллифлар хорижий тажрибани таҳлил қилар экан, миллий гвардия таркибидаги қўриқлаш бўлинмалари стратегик иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тадбирларда тартибни сақлаш, фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш, шу жумладан маъмурий мажбурлов чораларини қўллашда ихтисослашган бўлиши кераклигини қайд этадилар. Бу фикрлар ҚББ ваколатларини фақат шартномавий мулкни қўриқлаш билан чеклаб қўймасдан, уларни жамоат хавфсизлиги ва маъмурий юрисдикциянинг тўлиққон институтига айлантириш зарурлигини доктринал жиҳатдан кучайтиради.

Хорижий доктринада жамоат тартиби ва полиция фаолиятининг мазмуни кенг ўрганилган. Е. Bittner полициянинг асосий функциясини “маиший муносабатлар, низолар ва хавfli вазиятлар инқирози пайтида куч ишлатиш потенциалини конун доирасида марказлаштирган орган” сифатида ифода этади<sup>20</sup>. R.Reiner эса полицияни демократик жамиятда “ҳуқуқий тартиб ва ижтимоий интизомни таъминловчи, бир вақтнинг ўзида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи институт” сифатида талқин қиладилар<sup>21</sup>. Ушбу назариялар нуқтаи назаридан қараганда, ҚББ каби қўриқлаш хизматлари полициянинг ихтисослашган таркибий қисми бўлиб, уларнинг ваколатлари ҳам умумий полиция ваколатларининг қоидаларига – қонунийлик, мутаносиблик, ҳисобдорлик ва инсон ҳуқуқлари устуворлигига – бўйсундирилиши лозим.

Халқаро ташкилотлар доктринаси ҳам бу фикрни қувватлайди. ЕХХТнинг “Guidebook on Democratic Policing” асарида полиция ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг асосий мезонлари сифатида қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларига ҳурмат, жамоат олдида ҳисобдорлик ва граждандлик жамияти билан шериклик

<sup>18</sup> Исмаилов И., Абдурашулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 б.

<sup>19</sup> Ю.С.Пулатов, Д.М.Рашидов. Миллий гвардия ходимларини ўқитишда хориж тажрибаси // *Ustozlar uchun* (PEDAGOGS халқаро илмий журнали). – 2023. – 50-сон, 2-тўплам. – Б. 168–175.

<sup>20</sup> Bittner, E. The Functions of the Police in Modern Society: A Review of Background Factors, Current Practices, and Possible Role Models. Chevy Chase, MD: National Institute of Mental Health, Center for Studies of Crime and Delinquency. 1970, p. 39

<sup>21</sup> Reiner R. The Politics of the Police. 3rd ed. – Oxford: Oxford University Press, 2000. – P. 50–53

принциплари белгиланади<sup>22</sup>. Қўлланмада объектларни қўриқлаш, стратегик инфратузилмани ҳимоя қилиш каби ихтисослашган тузилмалар ҳам мазкур умумий стандартлар доирасида “демократик полиция”нинг бир қисми деб қаралади. БМТнинг “Қурол ишлатиш ва ўқ отар қуроллардан фойдаланишнинг асосий принциплари” ҳамда Alexy, R. ва Hart H. L. A. каби таниқли назариячилар томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий чекловлар концепциясига кўра, давлат мажбурловиданд фойдаланиш доим “қонунийлик–зарурлик–мутаносиблик–ҳисобдорлик” занжири билан чекланиши шарт<sup>23</sup>. Бу принципларни ҚББ ваколатларини белгилайдиган миллий нормаларга тўлиқ инкорпорация қилиш зарурлиги шундан келиб чиқади.

Жиноятчилик профилактикаси соҳасидаги хорижий назарий моделлар ҳам қўриқлаш хизматларининг роли бўйича муҳим хулосалар беради. Оскар Ньюманнинг “Defensible Space” концепцияси, Jeffery, C. Ray ва R. V. Clarke “*situatsion жиноятчилик профилактикаси*”, L. E. Cohen ва M. Felson “*routine activity theory*” назарияларига кўра, жиноятчилик хавфини камайтириш учун маконни (space) тўғри режалаштириш, назорат пунктлари ва қўриқлаш постларини оқилона жойлаштириш, аҳоли ва қўриқлаш тузилмалари ўртасида “кўз–қулоқ” механизмини шакллантириш зарур<sup>24</sup>. Бу назариялар ҚББ фаолиятига татбиқ этилганда, қўриқланаётган объектлар ҳудудини хизмат доирасини аниқ белгилаш, “иссиқ нуқта”ларни хариталаш, видеокузатув ва тезкор гуруҳлар ҳаракатини бир тизимга солиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш мумкинлиги илмий асосланади.

Административ-ҳуқуқий доктринада В.Д. Сорокин, Б.В. Россинский, Л.Л. Попов каби муаллифлар маъмурий юрисдикция субъектларини “ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғаш, баённома тузиш, маъмурий жазо қўллаш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар” сифатида таърифлайдилар<sup>25</sup>. Уларга кўра, ушбу субъектлар рўйхати қонун даражасида ёпиқ ва аниқ бўлиши, қонунида қайд этилмаган тузилмада маъмурий юрисдикция ваколатларини “идора ичидаги буйруқ” билан вужудга келтириш мумкин эмас; акс ҳолда “*ultra vires*” – ваколатдан четга чиқиш хавфи юзага келади. Бу назария ҚББ мисолида куйидаги хулосани келтиради: агар Вазирлар Маҳкамаси классификаторида ҚББ “ваколатли орган” сифатида кўрсатилса-ю, Кодекснинг III-бўлими ва XVIII-бобида у мустақил субъект сифатида тилга олинмаса, бу маъмурий иш юритувида ноаниқлик ва суд амалиётида коллизиялар келтириб чиқаради.

<sup>22</sup> Carty, Kevin. *Guidebook on Democratic Policing by the Senior Police Adviser to the OSCE Secretary General*. 2nd ed. Vienna: OSCE, 2008. 70 p. ISBN 978-92-9234-500-6.

<sup>23</sup> Alexy, R. “Constitutional Rights, Balancing, and Rationality”. – *Ratio Juris*, 2003, Vol. 16, No. 2, pp. 131–140 // Hart H. L. A. *Positivism and the Separation of Law and Morals* // *Harvard Law Review*. – 1958. – Vol. 71, No. 4. – P. 593–629.

<sup>24</sup> Jeffery, C. Ray. *Criminology: An Interdisciplinary Approach*. Englewood Cliffs, NJ: Prentice-Hall, 1990. – P. 413; // Clarke R. V. “‘Situational’ Crime Prevention: Theory and Practice” // *British Journal of Criminology*. – 1980. – Vol. 20, No. 2. – P. 136–147; // Cohen L. E., Felson M. *Social Change and Crime Rate Trends: A Routine Activity Approach* // *American Sociological Review*. – 1979. – T. 44. – № 4. – P. 588–608.

<sup>25</sup> Сорокин В.Д. О двух тенденциях, разрушающих целостность института административной ответственности // *Правоведение*. – 1999. – № 1. – С. 46–54 // Россинский Б.В. *Административное право: учебно-методическое и практическое пособие*. – М., 2001. – С. 27. // Попов Л.Л. *Административное право Российской Федерации: учебник для бакалавров*. – М.: РГ-Пресс, 2015. – 568 с. – I раздел, 1-боб “Сущность административного права. – С. 14–22

Ниҳоят, инсон ҳуқуқлари доктринаси нуқтаи назаридан ҳуқуқшунос олимлардан *R.Dworkin* ва *J.Rawls* эса жамоат хавфсизлиги ва шахсий эркинликлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашда “ҳуқуқ ва хавфсизликнинг пропорционал мувозанати”ни топиш давлатнинг асосий вазифаси ҳисобланади<sup>26</sup>. ҚББ каби кўриқлаш тузилмаларига маъмурий юрисдикция ва профилактика ваколатларини бериш, бир томондан, кўриқланаётган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар хавфини камайтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, фуқароларнинг дахлсизлик, шахсий ҳаёт сир сақланиши, тадбиркорлик фаолияти эркинлигига асоссиз аралашув хавфини ҳам оширади. Шу боис, ҳуқуқшунос олимлар бир овоздан “кўриқлаш хизматлари ваколатлари кенгайтиши қонун нормалари аниқлиги, инсон ҳуқуқлари кафолатлари ва мустақил назорат механизмлари билан бир вақтда юришини” талаб этади.

Шу тариқа, маҳаллий ва хорижий доктрина, жумладан *А.А. Султанов, К.Р. Абдурасулова, Д.М. Рашидов, А. Саидов, шунингдек В.Д. Сорокин, Б.В. Россинский, Е. Биттнер, Д. Бэйли, Р. Райнер, О. Ньюман, Р. Кларк, Л. Коэн, М. Фелсон, Р. Алекси* каби ҳуқуқшунос олимларнинг назарий қарашларини синтез қилиш ҚББ ваколатларини қуйидаги назарий қоидаларга таянган ҳолда қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Хусусан:

– нормалар иерархиясида ҚББнинг маъмурий юрисдикция субъекти сифатида кодекс даражасида аниқ ифода этилиши;

– кўриқлаш фаолиятининг профилактик, маъмурий ва техник хавфсизлик компонентларини бир бутун институт сифатида қонунчиликка инкорпорация қилиш;

– куч ва махсус воситаларни қўллашда халқаро стандартлар (ЕХХТ, БМТ)га мос ҳуқуқий чекловларни белгилаш;

– жамоатчилик ва парламент назорати, прокуратура ва суд назорати, омбудсман институтлари орқали ҚББ фаолияти ҳисобдорлигини таъминлаш.

Айнан шу йўналишдаги илмий-амалий таклифлар янги “Маъмурий жавобгарлик кодекси” ва “Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини мазмунан бойитиш, ҚББ ваколатларини демократик ҳуқуқий давлат талабларига тўла мос ҳолда тизимлаштиришга хизмат қилади.

Юқорида баён этилган ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий хулоса ва таклифларини ривожланган давлатлар амалиёти ҳамда БМТ, ЕХХТ, ЕИ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида қабул қилинган замонавий халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг илғор ютуқлари билан қиёсий-таҳлилий тарзда янада бойитиш, бизнингча, ушбу тадқиқот ишининг илмий-академик савияси ва амалий аҳамиятини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади. Бу ёндашув миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга қаратилган концептуал таклифларни илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш имконини беради.

Хусусан, халқаро ҳуқуқий-меъёрий манбалар ва замонавий доктринада полициянинг демократиявий модели фақат жиноятчиликка қарши курашиш ёки ҳуқуқбузарликларга реакция бериш билан чекланмай, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, жамоат олдида ҳисобдорлик ва фуқаролар билан ҳамкорликка таянадиган мураккаб институционал тизим сифатида талқин этилади<sup>27</sup>. Шу нуқтаи назардан объектларни кўриқлаш ва муҳофаза қилишга ихтисослашган тузилмалар ҳам “демократик полиция”нинг ажралмас таркибий қисми сифатида қаралади; уларнинг ваколатлари, мажбурлов чоралари ва хизмат фаолияти умумий демократик

<sup>26</sup> *Dworkin R. Taking Rights Seriously.* – Cambridge (Mass.): Harvard Univ. Press, 1977. – P. xi, 94–100 // *Rawls J. Justice as Fairness: A Restatement.* – Cambridge (Mass.): Harvard University Press, 2001. – P. 42–43.

<sup>27</sup> *Carty K. Guidebook on Democratic Policing by the Senior Police Adviser to the OSCE Secretary General.* OSCE Secretariat, Vienna, 2007 // <https://www.osce.org/secretariat/23804>

стандартлар билан уйғун ҳолда ҳуқуқий тартибга солиниши лозимлиги ҳақидаги хулоса халқаро доктринада алоҳида илмий-назарий йўналиш сифатида шаклланган<sup>28</sup>. ЕХХТнинг полиция масалалари бўйича катта маслаҳатчиси К. Сарту раҳбарлигида тайёрланган “*Guidebook on Democratic Policing*” қўлланмаси демократик полиция модели концепциясини тизимли равишда асослаб, полиция фаолиятининг демократиявий табиати, аввало, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат, шунингдек полиция органларининг жамият олдида институционал ҳисобдорлиги ҳамда жамоатчилик билан шериклик (“partnership”) тамойили орқали намоён бўлишини кўрсатади<sup>29</sup>. Ушбу қўлланмада полиция, жандармерия ва кўриқлаш тузилмалари фақат “*ҳуқумат аппарати*” эмас, балки фуқаролар хизматини амалга оширувчи демократик институт сифатида фаолият юритиши лозимлиги таъкидланади; бундай мақомга эришиш эса ваколатларнинг аниқ қонуний регламентацияси, ички ва ташқи назорат механизмлари, парламент ва фуқаролик жамияти институционал иштироки орқали таъминланиши илмий жиҳатдан асослаб берилади<sup>30</sup>.

БМТнинг “*Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан куч ишлатиш ва ўқ отар қуроллардан фойдаланишнинг асосий принциплари*” (1990)да ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан кўриқлаш хизматлари томонидан куч ишлатиш ва давлат мажбурлов чораларини қўллаш қонунийлик, зарурлик, мутаносиблик ва ҳисобдорлик мезонлари билан қатъий чеклангани белгилаб қўйилган<sup>31</sup>. Ушбу принциплар бўйича қонун устуворлигига таянган ёндашувда ҳар қандай куч ишлатиш, биринчидан, фақат қонун билан аниқ назарда тутилган асосларга таяниши, иккинчидан, бошқа енгилроқ воситалар самара бермаган ҳолдагина қўлланилиши, учинчидан эса кўрилган таҳдид даражасига мутаносиб бўлиши лозим<sup>32</sup>. Мазкур ҳаракатлар кейинчалик мустақил органлар томонидан текширилиши мумкин бўлган тарзда ҳужжатлаштирилиши шартлиги ҳам алоҳида қайд этилади<sup>33</sup>.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро институтлар – жумладан Amnesty International томонидан ишлаб чиқилган куч ишлатиш бўйича “*Guidelines for Implementation of the UN Basic Principles on the Use of Force and Firearms*” ҳамда UNODCнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан куч ва ўқ отар қуроллардан фойдаланишга оид ресурс қўлланмаларида мазкур принциплар амалиёт нуқтаи назаридан янада конкретлаштирилади<sup>34</sup>. Уларда полиция ва кўриқлаш тузилмалари фаолиятида инсоннинг ҳаётга, шахсий дахлсизликка ва қадр-қимматга бўлган ҳуқуқи мутлақ устуворликка эга экани, ҳар қандай мажбурлов чораси эса фақат истисно ҳолатларда ва қатъий процессуал қафолатлар доирасида қўлланилиши лозимлиги доктринал асосга эга қилиб берилган<sup>35</sup>.

<sup>28</sup> OSCE. *Democratic Policing Practices and Guidelines*. Варшава: OSCE/ODIHR, турли йиллар // <https://www.osce.org/secretariat/107817>

<sup>29</sup> Carty K. “Strategic Police Matters – Addressing Threats to Security and Stability.” In: *OSCE Yearbook*, 2011 // <https://www.ifsh.de>

<sup>30</sup> United Nations. *Basic Principles on the Use of Force and Firearms by Law Enforcement Officials*. Қабул қилинган: 8-БМТ конгресси, Гаваана, 27.08–07.09.1990.

<sup>31</sup> Amnesty International. *Use of Force: Guidelines for Implementation of the UN Basic Principles on the Use of Force and Firearms by Law Enforcement Officials*. London, 2015.

<sup>32</sup> UNODC. *Resource Book on the Use of Force and Firearms in Law Enforcement*. Vienna, 2015.

<sup>33</sup> DCAF. *Security Sector Governance (SSG) – Background Series*. Geneva, 2013.

<sup>34</sup> DCAF. *Democratic Governance of the Security Sector*. Geneva, 2005.

<sup>35</sup> OSCE. *Security Sector Governance and Reform: Guidelines and Best Practices*. Vienna, 2021.

DCAF, ЕХХТ, Европа Иттифоқи ва бошқа илмий-тадқиқот марказлари ишларида “хавфсизлик сектори бошқаруви” (Security Sector Governance) тушунчаси марказий ўрин тутар экан, ички хавфсизлик ва қўриқлаш соҳасида фаолият юритувчи ҳар қандай ҳарбий-маъмурий тузилма демократик бошқарув стандартларига бўйсундирилиши лозимлиги таъкидланади<sup>36</sup>. Ушбу ёндашувга кўра, демократик хавфсизлик сектори кўйидаги мезонларга жавоб бериши керак: фуқаролик ҳокимияти устуворлиги, парламент ва суд назорати, омбудсман ва махсус мониторинг институтлари орқали ҳисобдорлик, шаффоф бюджет ва кадрлар сиёсати, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига риоя қилиш<sup>37</sup>. Шу тарзда қўриқлаш соҳасидаги тузилмалар “хавфсизлик сектори”нинг бир бўғини сифатида демократик фуқаролик назорати, жамоатчилик иштирокидаги кўп босқичли oversight-механизмлар ҳамда ички хизмат текширувлари орқали бошқарилиши лозимлиги илмий-норматив асосга эга бўлиб бормоқда<sup>38</sup>. Халқаро доктринада қўриқлаш ва объект хавфсизлиги бўлинмалари шу жиҳатлари билан “ихтисослашган полиция” сифатида талқин этилиб, уларга нисбатан умумий полиция этикаси, инсон ҳуқуқлари стандартлари, жамоатчилик билан ҳамкорлик, очиқлик ва ҳисобдорлик талаблари тенг даражада татбиқ этилиши шартлиги эътироф этилади<sup>39</sup>. Шу боис объектларни қўриқлаш соҳасидаги ваколатлар қонун иерархиясида аниқ белгиланган маъмурий юрисдикция, профилактика механизмлари ва хавф таҳлили воситалари билан уйғунлаштирилиши зарур. Қўриқлаш хизмати фақат физик қўриқчилар ва постлар билан чекланмасдан, объект ва унинг атроф ҳудудидаги жиноятчилик динамикаси ҳамда хавф омилларини тизимли ўрганиш, техник ва ташкилий хавфсизлик чораларини режалаштириш, зарурат туғилганда маъмурий иш юритишни амалга оширадиган комплекс институт сифатида назарда тутилади<sup>40</sup>. Замонавий илмий адабиётда бундай ёндашувлар “risk-based policing” ва “preventive security management” атамалари орқали ифодаланган бўлиб, улар полиция ва қўриқлаш тузилмалари фаолиятини мавжуд жиноятлар ёки ҳуқуқбузарликларга реакция беришдан кўра, хавф омилларини олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этишга йўналтиришни назарда тутди<sup>41</sup>. Risk-based policing концепцияси доирасида хавф манбалари (объектнинг жойлашуви, атроф-муҳит хусусиятлари, одамлар оқими, олдин содир бўлган ҳуқуқбузарликлар статистикаси ва ҳ.к.) картография қилиниб, ресурслар айнан ушбу “risk factors”ни камайтиришга йўналтирилади<sup>42</sup>. Бу эса қўриқлаш ваколатларини жиноятчилик

<sup>36</sup> Lysenko K.N. “FSUE ‘Okhrana’ of the Russian National Guard as a Subject of the Security Services Market.” *Юристъ-Правоведъ*, 2021. (Концепция развития вневедомственной охраны 2018–2021 гг. и до 2025 г., Росгвардия, 29.11.2017.)

<sup>37</sup> GAO. *Federal Protective Service: Facility Security Assessments and Countermeasures* (GAO-22-106177 ва кейинги хужжатлар). Washington, D.C., 2022.

<sup>38</sup> Interagency Security Committee / CISA. *Risk Management Process for Federal Facilities* ва *Facility Security Plan Guide*. Washington, D.C., 2015–2025.

<sup>39</sup> Republic of Turkey Gendarmerie General Command. Расмий маълумотлар ва 2023 йил фаолият ҳисоботи.

<sup>40</sup> “Turkey’s Gendarmerie: Reforming a Frontline Unit in the War on Terrorism.” *Eurasia Daily Monitor*, Jamestown Foundation, 25.11.2008.

<sup>41</sup> Caplan J.M. ва бошқ. *Risk-Based Policing: Evidence-Based Crime Prevention with Big Data and Spatial Analytics*. (Қисман: Kansas City PD case-study материаллари).

<sup>42</sup> Caplan J.M., Kennedy L.W. *Risk Terrain Modeling and Crime Prevention*. – In: *The Oxford Handbook of Environmental Criminology*. – Oxford: Oxford University Press, 2019.

профилактикаси ва жамоат хавфсизлиги концепцияси билан интеграция қилиш заруратини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб беради<sup>43</sup>.

Ривожланган давлатлар тажрибаси ушбу доктринал хулосаларни институционал моделлар орқали тасдиқлайди. **Россия Федерациясида** Росгвардия таркибидаги Вневедомственная охрана кўп босқичли структура сифатида ташкил этилган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида давлатнинг муҳим ва режим объектларини кўриқлаш, жисмоний ва юридик шахслар мулкни шартномалар асосида муҳофаза қилиш, кўриқлаш ва ёнғин сигналларига тезкор реакция қилиш, шунингдек пост ва патруллар ҳаракат йўналишлари доирасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда иштирок этади<sup>44</sup>. Росгвардия томонидан 2017 йил 29 ноябрда тасдиқланган Вневедомственная охранини 2018–2021 йиллар ва 2025 йилгача ривожлантириш концепциясида мазкур бўлинма фақат “кўриқчи-наряд” эмас, балки объектларни техник жиҳатдан жиҳозлаш, сигнализация, видеокузатув ва бошқа муҳандислик-техникавий хавфсизлик воситаларини ўрнатиш, таъмирлаш ва назорат қилиш бўйича махсус компетенцияга эга хавфсизлик хизматлари провайдерлари сифатида намоён бўлиши белгилаб қўйилган<sup>45</sup>. Илмий адабиётларда бу ҳолат Вневедомственная охрана фаолиятини бозор шароитида рақобатбардош, юқори технологияли хавфсизлик хизматлари провайдерига айлантириш йўналиши сифатида баҳоланади<sup>46</sup>.

**АҚШ**даги Federal Protective Service (FPS) мисолида эса федерал ҳукумат бинолари, судлар ва бошқа федерал мулкни кўриқлаш вазифалари интеграцияланган ҳуқуқий-тартибот ва хавфсизлик тизими кўринишида амалга оширилади. FPS фаолиятида “facility security assessment” тушунчаси марказий категория ҳисобланиб, ҳар бир объект бўйича хавфсизлик даражаси комплекс баҳоланади, таҳдидлар ва заиф нуқталар аниқланади, уларни бартараф этиш бўйича индивидуал хавфсизлик режалари ишлаб чиқилади<sup>47</sup>. АҚШ Давлат ҳисобдорлиги идораси (GAO) ва Interagency Security Committee (ISC) ҳужжатларида FPSнинг мажбуриятлари – объект хавфсизлик даражасини аниқлаш, тавсия этилган countermeasure’ларни ишлаб чиқиш, Facility Security Committee билан ҳамкорликда хавфсизлик режаларини тасдиқлатиш ва улар ижроси юзасидан мониторинг ўтказиш вазифалари алоҳида кўрсатиб ўтилган<sup>48</sup>. Шу билан бирга, FPS бир хил либосдаги федерал кўриқлаш-патрул хизмати ҳамда шартнома асосида жалб қилинадиган хусусий кўриқлаш компаниялари ўртасида вазифалар тақсимотини ташкил этиб, умумий стандартлар ва назорат функцияларини ўз зиммасига олади; илмий-таҳлилий манбаларда бу модел федерал мулкни ҳимоя қилиш билан бирга, федерал биноларга очиқ ва дискриминациясиз кириш ҳуқуқини сақлаб

<sup>43</sup> Interagency Security Committee (ISC). *The Risk Management Process for Federal Facilities: An Interagency Security Committee Standard*. – Washington, DC: DHS/CISA, 2013 (and subsequent updates).

<sup>44</sup> U.S. Department of Homeland Security, CISA. *Risk Management Process for Federal Facilities – Web Summary* (WBDG: Whole Building Design Guide).

<sup>45</sup> U.S. Government Accountability Office (GAO). *Homeland Security: The Federal Protective Service Faces Several Challenges That Raise Concerns About Protection of Federal Facilities*. GAO-08-914T, 18 June 2008.

<sup>46</sup> U.S. Government Accountability Office (GAO). *Federal Protective Service: Actions Needed to Address Weaknesses in Contract Guard Oversight and Testing*. GAO-25-108085, 11 March 2025.

<sup>47</sup> Interagency Security Committee. *The Risk Management Process for Federal Facilities and related guidance on facility security levels and facility security plans*. – DHS/CISA, various editions.

<sup>48</sup> Republic of Turkey, Gendarmerie General Command. Official information on missions and structure of the Turkish Gendarmerie (including Protective Security Units and Penitentiary Protection Units).

қолишга қаратилган “хуқуқ ва хавфсизлик ўртасида мувозанат топшиш” механизми сифатида баҳоланади<sup>49</sup>.

**Туркия Республикасида** Жандармерия таркибидаги Protective Security Units ва Penitentiary Protection Units каби ихтисослашган бўлинмалар муҳим объектлар, жазони ижро этиш муассасалари, стратегик инфратузилма ва аҳоли тўпланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланади<sup>50</sup>. Жандармерия Генерал қўмондонлиги қонун бўйича ички хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, контрабандага ва терроризмга қарши курашиш, жазо муассасалари ташқи муҳофазасини амалга ошириш ҳамда заруратда бошқа ҳарбий вазифаларни бажариш каби кенг мажмуага эга гибрид хуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида тавсифланади<sup>51</sup>. Турк ва хорижий тадқиқотларда Жандармерия фаолиятида “технологик модернизация” тенденцияси – ахборот тизимлари, видеокузатув, электрон назорат воситалари ва интеллектуал таҳлил технологияларини кенг жорий қилиш орқали профилактика ва тезкор реакция салоҳиятини ошириш асосий йўналишлардан бири сифатида қайд этилади<sup>52</sup>.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, Россия, АҚШ ва Туркия тажрибасида қўриқлашга ўхшаш бўлинмалар, бир томондан, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш миллий сиёсатининг ажралмас институти сифатида, иккинчи томондан эса техник ва ташкилий жиҳатдан юқори даражада ихтисослашган хавфсизлик хизмати сифатида намоён бўлади. Уларда ваколатлар доираси, маъмурий юрисдикция, хуқуқбузарликларга реакция қилиш тартиби, хусусий қўриқлаш секторлари билан ўзаро муносабатлар қонун иерархиясида аниқ белгилаб қўйилган; демократик полиция стандартлари ва инсон хуқуқлари талаблари эса барча босқичларда амалий механизмлар орқали таъминланмоқда. Шу тариқа, халқаро-хуқуқий ва доктринал манбалар қўриқлаш ва объект хавфсизлиги бўлинмаларини замонавий демократик полиция модели контекстида қайта талқин этишни тақозо этмоқда.

Мазкур халқаро-хуқуқий ва қиёсий таҳлиллардан келиб чиқиб, ривожланган демократик давлатлар тажрибасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида объектларни қўриқлашга ихтисослашган бўлинмалар фаолияти, одатда, фақат идора ичидаги низомлар ва ваколатли органлар классификаторида эмас, балки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар даражасида ҳам алоҳида махсус субъект сифатида мустақамланиши кузатилади. Бундай ёндашув, аввало, қўриқлаш хизматларининг жамоат тартибини сақлаш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги превентив ҳамда юрисдикциявий функцияларини аниқ белгилаш, ваколатлар доирасини хуқуқий жиҳатдан чегаралаш ва маъмурий иш юритувининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг

<sup>49</sup> Republic of Turkey. *Law No. 2803 on the Organization, Duties and Powers of the Gendarmerie* and related private security legislation (e.g., Law on Private Security Services, Art. 16).

<sup>50</sup> Federal State Unitary Enterprise “Okhrana” of the National Guard of Russia – official and analytical descriptions of mandate and legal basis (incl. Decree of the President of the Russian Federation No. 157 of 5 April 2016; Federal Law No. 77-FZ “On Departmental Security”).

<sup>51</sup> RAND Corporation. *The Future of the Russian Military: Russia’s Ground Forces*. – Santa Monica, CA: RAND, 2019 (appendix on internal security forces, including vnevedomstvennaya okhrana and FSUE Okhrana under Rosgvardiya).

<sup>52</sup> Volkov V. *Violent Entrepreneurs: The Use of Force in the Making of Russian Capitalism* and subsequent articles on vnevedomstvennaya okhrana and the commercialisation of police protection; see also: A. Galeotti, “The Political Economy of Security Practice” (FES, 2015), and recent analytical reports on Rosgvardiya’s Extradepartmental Security units.

ҚББ институционал мақомини миллий қонунчилик, хусусан, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекс даражасида янада аниқлаш зарурати пайдо бўлмоқда.

Ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторинги шуни кўрсатадики, мазкур парагрифнинг бошида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарорига илова сифатида тасдиқланган “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни (баённомани) кўриб чиқишга (баённома тузишга, иш қўзғашга) ваколатли органлар классификатори”да жами 46 та орган белгилангани бўлиб, улар орасида 380-код билан Миллий гвардия органлари, 381-код билан эса алоҳида махсус субъект сифатида Кўриқлаш бош бошқармаси кўрсатилган. Бироқ шунга қарамасдан, амалдаги “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг III-бўлими (“Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар”) ва XVIII-боби (“Ишларнинг тааллуқлилиги”) матнида ҚББ алоҳида махсус субъект сифатида тилга олинмаган, балки Миллий гвардия органлари умумий тизими доирасидаги баъзи хатбошилар орқали қайд этилган холос. Норматив иерархия нуқтаи назаридан, юқори юридик кучга эга кодификацияланган акт – Кодекс (lex superior, lex generalis) даражасида акс этмаган тузилманинг қуйи даражадаги классификаторда махсус субъект сифатида қайд этилиши қонун устуворлиги ва ҳуқуқий аниқлик (legal certainty) тамойилларига тўлиқ мос келмаслиги, амалда эса маъмурий иш юритиш жараёнларида турли талқин ва коллизиялар келиб чиқишига замин яратади.

Ушбу номувофиқликнинг амалий оқибатлари сифатида, *биринчидан*, ҚББ ходимлари томонидан тузилган маъмурий баённомалар ва бошқа процессуал ҳужжатларнинг судда ҳуқуқий кучи шубҳа остига қўйилиши, уларнинг ваколат доирасидан четга чиқиб ҳаракат қилган (ultra vires) субъект сифатида баҳоланиш хавфи ортади. *Иккинчидан*, айниқса кўриқланаётган объектлар ҳудудида содир этиладиган майда безорилик, ички тартиб ва рухсат бериш режимини бузиш, хавфсизлик қоидаларини сақламаслик каби ҳуқуқбузарликларга нисбатан маъмурий- ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда профилактик таъсирнинг самарадорлиги пасаяди. *Учинчидан*, Миллий гвардия органлари, ички ишлар органлари ва бошқа идоралар ўртасидаги идоралараро ҳамкорлик тизимида “ваколат қопламаси”даги бўшлиқлар юзага келиб, маъмурий юрисдикциянинг барқарор ва прогноз қилинадиган моделини шакллантиришга тўсқинлик қилади.

ҚББнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ ушбу муаммолар, айниқса, 2023 йил 28 август куни Миллий гвардия қўмондони ташаббуси билан техник кўриқлаш марказларининг ТХГ фаолиятини такомиллаштиришга доир қабул қилинган идора ичидаги буйруқ ижроси жараёнида яққол намоён бўлмоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ТХГ ҳодиса жойига биринчи бўлиб етиб келади, ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқлайди, жамоат тартиби ва кўриқлаш режимини тиклашга қаратилган хизмат вазифаларини бажаради, бироқ улар томонидан қўлланиладиган маъмурий- процессуал таъсир чораларининг Кодекс даражасида аниқ ва тўлиқ мустаҳкамлаб қўйилмаганлиги профилактик таъсир самарадорлигини пасайтиради, суд-тергов амалиётида эса баённомаларни “нотўғри субъект томонидан тузилган” деган асос билан қайтариш ёки ишларни бекор қилиш эҳтимолини оширади. Бошқача айтганда, ҚББга Президент қарори ва идоралараро ҳужжатлар даражасида берилаётган вазифа ва ҳуқуқлар Кодексдаги махсус нормалар билан тўлиқ “қопланмагани” институционал- ҳуқуқий барқарорликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 248<sup>1</sup>-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари) моделидан келиб чиққан ҳолда, мазкур модданинг иккинчи қисмида Кўриқлаш бош бошқармасига тааллуқли бўлган 7, 8 ва 9-хатбошиларни модда матнидан чиқариб, Кодексга “**Кўриқлаш бош бошқармаси**” деб номланган янги **248<sup>3</sup>-моддан**и киритиш мақсадга мувофиқ, деган

илмий-назарий хулосага келинади. Мазкур янги модда муҳтавосида ҚББнинг маъмурий юрисдикция субъекти сифатидаги ваколатлари, хусусан, қўриқланаётган объектлар ҳудудида содир этилган ва жамоат тартиби, ички ва рухсат бериш режими, хавфсизлик қоидаларини таъминлаш билан узвий боғлиқ бўлган қатор маъмурий ҳуқуқбузарликлар (*масалан, майда безорилик, идоровий тартибни бузиш, объектга рухсатсиз кириш, режим қоидаларини бузиш ва бошқалар*) бўйича ишларни кўриб чиқиш, баённома тузиш ва тегишлича маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатлари аниқ чегаралаб қўйилиши лозим. Шу билан бирга, янги моддада ҚББ бошлиғи, унинг ўринбосарлари, Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармалари, туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимлари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш доираси ҳам илмий асосланган ҳолда белгилаб қўйилиши зарур.

Шу тарзда, Қўриқлаш бош бошқармасини “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексда алоҳида **248<sup>3</sup>-модда** орқали махсус субъект сифатида мустаҳкамлаш, *бир томондан*, Президентнинг ПҚ-4997-сон қарори билан белгиланган ҚББнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир функционал вазифаларини Кодексдаги маъмурий-юрисдикциявий механизмлар билан уйғунлаштирса, *иккинчи томондан эса*, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги классификаторда акс этган институтчионал моделни норматив иерархия талабларига мос равишда “юқори даражадаги” ҳуқуқий нормалар билан қоплаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқий аниқлик ва қонун устуворлиги тамойилларини таъминлаш, ҚББ ходимлари томонидан тузилган маъмурий баённомаларнинг судда эътироф этилиш даражасини ошириш, идоралараро ҳамкорликнинг “ваколатлар қопламаси”даги бўшлиқларини тўлдириш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида маъмурий юрисдикциянинг барқарор, тизимли ва прогноз қилинадиган моделини шакллантиришга хизмат қилади.

Юқоридаги илмий таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйида биз “**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари**” деб номланган **248<sup>1</sup>-моддани** ва “**Қўриқлаш бош бошқармаси**” деб номланган янги **248<sup>3</sup>-моддани** қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф этилади. Жумладан:

**“248<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари**

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига ушбу Кодекснинг 47-моддасининг биринчи қисмида, 56<sup>1</sup>, 63-моддаларида, 72-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида (сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, сув объектларига оқова сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузишга оид қисмида, бундан ер ости сувларига доир ҳуқуқбузарликлар мустасно), 79-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91<sup>1</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 91<sup>2</sup>, 161-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188<sup>2</sup> ва 192-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.*

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:*

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, унинг ўринбосари ва бўлим бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Суриштирувни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Болалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, бўлим бошлиқлари ва катта офицерлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, суриштирув бўлимлари бошлиқлари, болалар билан ишлаш бўйича катта инспектор-психологлари ва инспектор-психологлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 61-моддасида, 79-моддасининг учинчи қисмида, 90-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 90<sup>1</sup>-моддасида, 91<sup>1</sup>-моддасининг тўртинчи қисмида, 183, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 185-моддаларида, 185<sup>1</sup>-моддасида (бундан божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мустасно), 185<sup>2</sup>, 185<sup>3</sup>, 186-моддаларида, 187-моддасининг иккинчи қисмида, 188<sup>1</sup>, 188<sup>3</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 191, 194<sup>1</sup>, 195<sup>1</sup>-моддаларида, 196-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига тааллуқли қисмида) ва 210<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади ҳамда ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органга (мансабдор шахсга) кўриб чиқиш учун юборади.”

Шунингдек, **“248<sup>3</sup>-модда. Қўриқлаш бош бошқармаси**

Қўриқлаш бош бошқармасига ушбу Кодекснинг 61-моддасида, 183, 185, 185<sup>1</sup>, 185<sup>2</sup>, 185<sup>3</sup>, 186, 187-моддаларида, 204, 204<sup>1</sup>, 205, 210<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, агар ушбу ҳуқуқбузарликлар Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан қўриқланадиган объектлар ҳудудида ёки ушбу объектларни қўриқлаш, ички ва рухсат бериш режимини таъминлаш вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда содир этилган бўлса, тааллуқлидир.

Қўриқлаш бош бошқармаси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қўйидагилар ҳақли:

Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Қўриқлаш бош бошқармасининг Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармалари, туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимлари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари.

Қўриқлаш бош бошқармаси тизимидаги қўриқлаш бўлинмалари командирлари, навбатчилари, тезкор ҳаракатланувчи гуруҳлар командирлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Қўриқлаш бош бошқармаси таркибига кирадиган бошқа ваколатли мансабдор шахслар ушбу Кодекснинг

61-моддасида, 72-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида,

79-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 88-моддасида,

90-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида,

90<sup>1</sup>-моддасида, 91-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91<sup>1</sup>, 91<sup>2</sup>, 161, 188, 188<sup>1</sup>, 188<sup>2</sup>, 188<sup>3</sup>,

189, 189<sup>1</sup>, 191, 192, 221, 223, 223<sup>1</sup>, 223<sup>3</sup>, 224-моддаларида, 225-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан қўриқланадиган объектлар ҳудудида ёки ушбу объектларни қўриқлаш, ички ва рухсат бериш режимини таъминлаш вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади ҳамда ушбу Кодекснинг

282-моддасида белгиланган тартибда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқишга ваколатли бўлган органга (мансабдор шахсга) қўриб чиқиш учун юборади”. Мазкур таклиф келажақда, **биринчи навбатда**, қўриқлаш бош бошқармасига бағишланган янги 248<sup>3</sup>-модданинг жорий этилиши норматив-ҳуқуқий иерархия ва қонун устуворлиги тамойилларига мос равишда маъмурий юрисдикция субъектлари тизимини аниқлаштириб, ҚББнинг мақоми ва ваколатларини Кодекс даражасида ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлайди;

**иккинчидан**, ҚББга тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликлар доираси аниқ белгилаб қўйилиши ҳисобидан “тааллуқлилиқ” ва “ваколатли орган” тушунчалари мазмунан равшанлашиб, суд-тергов амалиётида юрисдикцияга оид тортишувлар ҳамда *ultra vires* ҳолатларининг олди олинади, *legal certainty* тамойили амалий мазмун билан тўлдирилади;

**учинчидан**, қўриқланадиган объектлар ҳудудида содир этиладиган жамоат тартибига, қўриқлаш ва рухсат бериш режимига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларга нисбатан ҚББнинг тезкор ва ҳуқуқий асосланган маъмурий таъсир чораларини қўллаш имкониятлари кенгайди, бу эса объектлар хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширади;

**тўртинчидан**, ҚББ ходимлари томонидан тузилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларнинг ҳуқуқий кучига оид шубҳалар камайиб, уларнинг судда эътироф этилишида барқарорлик юзага келади, процессуал камчиликлар сабаб ишларни бекор қилиш эҳтимоли сезиларли даражада қисқаради;

**бешинчидан**, ички ишлар органлари, Миллий гвардиянинг бошқа тузилмалари, миграция, экологик назорат ва бошқа соҳавий идоралар ўртасидаги функциялар тақсимооти “умумий-махсус” занжирида қайта тизимлаштирилиб, идоралараро коллизиялар ва “ваколатлар қопламасидаги” бўшлиқлар бартараф этилади;

**олтинчидан**, ҚББга қўриқланаётган объектлар ҳудудида аниқланаётган бир қатор ҳуқуқбузарликлар бўйича баённома тузиш ва тегишли органларга юбориш ваколатининг берилиши ҳуқуқбузарликларни эрта босқичда аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилиб, профилактика сиёсатини амалий жиҳатдан кучайтиради;

**еттинчидан**, ҚББ маъмурий юрисдикциясининг Кодекс даражасида аниқ белгиланиши демократик полиция концепциясига мос равишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳисобдорлик, ошкоралиқ ва инсон ҳуқуқларига таянадиган бошқарув стандартларини шакллантиришга ҳуқуқий замин яратади;

**саккизинчидан**, ҚББга оид маъмурий ишларни алоҳида юритиш ва ҳисобга олиш имконияти вужудга келиб, статистик ахборотнинг сифат жиҳатдан яхшиланиши, шу асосда криминологик ва ҳуқуқий-таҳлилий тадқиқотларни чуқурлаштириш учун эмпирик базанинг кенгайишига замин ҳозирлайди